

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**“МЕҲНАТ ИҚТИСОДИЁТИ ВА АҲОЛИШУНОСЛИК”  
КАФЕДРАСИ**



**ЖАҲОН МОЛИЯВИЙ - ИҚТИСОДИЙ ИНҚИРОЗИ  
ШАРОИТИДА МЕҲНАТ МУНОСАБАТЛАРИНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ**

**республика илмий - амалий конференция  
материаллари тўплами**

**ТОШКЕНТ - 2010**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**«МЕХНАТ ИҚТИСОДИЁТИ ВА АҲОЛИШУНОСЛИК»  
КАФЕДРАСИ**

**ЖАҲОН МОЛИЯВИЙ – ИҚТИСОДИЙ ИНҚИРОЗИ  
ШАРОИТИДА МЕХНАТ МУНОСАБАТЛАРИНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ**

**республика илмий - амалий конференция  
материаллари тўплами**

**ТОШКЕНТ – 2010**

**“Жахон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида меҳнат муносабатларини такомиллаштириш масалалари” мавзусидаги республика илмий-амалий анжумани тезислар тўплами. - Т.: “Иқтисодиёт”, 2010. - 380 б.**

Ушбу тўпланда меҳнат муносабатларини такомиллаштириш масалалари бўйича илмий изланишлар олиб бораётган олий ўқув юртли ва илмий-текшириш институтларининг кўзга кўринган профессор-ўқитувчилари, турли мулкчилик шаклидаги корхона ва ташкилотларнинг етук мутахассислари, докторант, аспирант ва илмий ходимларининг мақолалари, тезислари тўпланган.

Тўпланим олий ўқув юрти профессор - ўқитувчилари, илмий ходимлар, тадқиқотчилар ва меҳнат иқтисодиёти соҳасига қизиқувчилар учун мўлжалланган.

***Тахрир ҳайъати:***

иқтисод фанлари доктори, профессор Ходиев Б.Ю.,  
иқтисод фанлари доктори, профессор Махмудов Н.М.,  
иқтисод фанлари доктори, профессор Абдурахмонов Қ.Х.,  
иқтисод фанлари номзоди, доцент Шоюсупова Н.Т.,  
иқтисод фанлари номзоди, Абдураманов Х.Х.

***Тақризчилар:***

иқтисод фанлари доктори, академик Убайдуллаева Р.А.,  
иқтисод фанлари доктори, профессор Турсунхўжев М.Л.

Тошкент Давлат иқтисодиёт университети Илмий кенгашининг  
2010 йил 29 март қарорига биноан нашрга тавсия этилган.

*и.ф.д., проф. Ш.Р. Холмўминов*

*Тошкент Давлат Иқтисодиёт Университети проректори*

## **Қишлоқ аҳолисининг иш билан бандлиги ва даромадларини тартибга солишнинг самаралари чора-тадбирлари**

Мамлакатимизда барқарор ва самарали иқтисодиётни шакллантириш борасида амалга ошириб келинаётган ислохотлар бугунги кунда ижобий натижаларни намоён этмоқда. Жумладан, қисқа вақт ичида иқтисодиётда чуқур таркибий ўзгаришлар, аҳоли даромадларини ўсиши, аҳолининг иш билан бандлигини ошириш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ислох қилиш, қишлоқ жойларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш асосида янги иш ўринларини яратиш, иш билан бандликнинг стандарт ва ностандарт шаклларини ривожлантириш ва бошқа ютуқларга эришилди. Булар эса ҳозирги жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози оқибатларининг таъсирини Республикамиз ижтимоий-иқтисодий ривожланишида ҳар томонлама ҳисобга олиш бўйича иқтисодий ривожланиш дастурларини ишлаб чиқиш ва уларни самарали амалга оширишга асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Иқтисодий дастурларнинг энг муҳим устувор вазифаларидан бири Президентимиз И.Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» номли асарида батафсил баён этилган: «Қишлоқда турмуш даражасини юксалтириш, қишлоқларимиз қиёфасини ўзгартиришга қаратилган узок муддатли ва бир-бири билан чамбарчас боғлиқ кенг кўламли чора-тадбирларни амалга ошириш, ижтимоий соҳа ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш жадаллаштириш, мулкдорнинг, тадбиркорлик ва кичик бизнеснинг мақоми, ўрни ва аҳамияти тубдан қайта

куриб чиқиш, фермер хўжаликлари ривожини ҳар томонлама кўллаб-қувватлашдан иборат»<sup>5</sup>.

Иш билан бандлик комплекс ижтимоий сиёсатнинг ажралмас қисми бўлиб, меҳнат соҳасидаги инсонларнинг эҳтиёжларига қаратилганлиги билан белгиланади ва аҳоли даромадларини оширишнинг асосий элементи ҳисобланади. Республикамиз қишлоқ иқтисодиётидаги таркибий ўзгаришларни изчил амалга ошириш ҳамда меҳнатни диверсификациялаш асосида ноқишлоқ хўжалиги иш ўринларини яратиш ва ностандарт иш билан бандлик миқёсини кенгайтириш ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар давлат сиёсати амалга оширишнинг асосий вазифалари ҳисобланади.

Миллий иқтисодиётда иш билан бандлик ва аҳоли даромадлари ўртасидаги ўзаро алоқанинг ривожланиши маълум даражада давлатнинг иқтисодий сиёсати ва унинг иқтисодиётга таъсир кўрсатиш шакллариغا боғлиқ. Иқтисодиётдаги туб ислоҳотлар жараёни қишлоқ аҳолисини иш билан таъминлашнинг кўлами ва тузилиши, шунингдек қишлоқ аҳолиси даромадлари сиёсатида жиддий ўзгаришларни назарда тутаяди.

Республикамизда ижтимоий йўналишдаги ислоҳотлар бўйича чора-тадбирлар аҳоли даромадларини шакллантириш, тақсимлаш ва улардан фойдаланиш соҳасида янги муносабатлар ҳамда меҳнат бозорининг шаклланиши ва ривожланиши жараёнларига катта таъсир кўрсатади.

Қишлоқ аҳолисининг иш билан бандлиги ва даромадлари соҳасидаги давлат сиёсати ижтимоий мақсадларга эришишга йўналтирилмоқда. Фикримизча, республикамиз ҳукумати томонидан қабул қилинган барча чора-тадбирлар умумий ва махсус бўлиши мумкин.

Умумий чора-тадбирлар қуйидаги мақсадларга эришишга йўналтирилмоқда: меҳнат бозорининг самарали фаолият кўрсатишини таъминлаш; иқтисодиётни самарали ривожлантириш учун зарур «оқилона» иш билан бандликни таъминлаш; қишлоқ аҳолиси даромадлари ўсишини таъминлаш ва уларни бюджет-солиқ сиёсати асосида тартибга солиш; моддий неъматлар ва даромадларни адолатлилик тамойили асосида тақсимлаш; кичик бизнесни ривожлантириш; иқтисодиётда турли манбалар ҳисобига инвестицион фаолликни ошириш ва бошқалар.

Меҳнат бозорини давлат томонидан тартибга солишнинг махсус чора-тадбирлар қуйидагилардан иборат бўлади: қишлоқ меҳнат бозорида ишчи кучига талабни ошириш ва таклифни камайтириш; меҳнатни ташкил қилиш тузилишини ўзгартириш; ишчи кучига талаб ва таклифнинг мос келиши даражасини кўпайтириш; иш билан бандлик давлат жамгармаси маблағлари ҳисобига янги иш ўринларини ташкил этиш; касбга тайёрлаш ва қайта тайёрлаш; ишсизлик давомийлигини қисқартириш ва ҳоказо.

---

<sup>5</sup> Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари –Т.: Ўзбекистон 2009, 41-бет.

Бизнингча, юқорида кайд этилган умумий ва махсус чора-тадбирларни амалга оширишда қуйидаги демографик ва ижтимоий-иқтисодий вазиятларни инобатга олиш лозим:

- республикамизда меҳнатга қобилиятли аҳолининг 60%дан ортиғи қишлоқ жойларда яшайди ва ялпи ички маҳсулотларнинг 40%дан кўпроғини ишлаб чиқаради;

- ноқишлоқ хўжалиги иш жойлари етишмаслиги сабабли иш билан банд бўлмаган қишлоқ меҳнат ресурсларининг улуши республиканинг иш билан банд бўлмаган бутун аҳолисининг 60% дан ортиғини ташкил этади ва уларнинг сони ўсмокда;

- меҳнатга қобилиятли иш билан банд бўлмаган қишлоқ аҳолисининг яшаш жойлардан шаҳар ва мамлакатнинг меҳнат билан кам таъминланган ҳудудлари ҳамда хорижий давлатларга қараб ҳаракат қилишларига асос бўлмокда;

- қишлоқ меҳнат ресурслари сонининг иш ўринларига нисбатан тезроқ ўсиши яширин ишсизликнинг кўпайишига бевосита ёрдам бермокда;

- қишлоқ жойларида қайта ишлаш саноати, қурилиш ва хизмат кўрсатиш корхоналари ҳамда хусусий хўжаликларда янги иш жойларини яратиш йўли билан ишчи кучи талаби ва таклифи ўртасидаги оқилона нисбатни таъминлаш учун ҳақиқий имкониятлар мавжуд.

Фикримизча, қишлоқ аҳолисини иш билан таъминлаш соҳасидаги давлат сиёсати қуйидаги асосий тамойилларга асосланиши зарур: меҳнат турини эркин танлаш ҳуқуқини амалга оширишда барча фуқароларга тенг имкониятларни таъминлаш; кишиларнинг меҳнат ва тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш; меҳнат қилишнинг ихтиёрийлиги; иш билан таъминлаш соҳасида ижтимоий кафолат бериш ва аҳолини ишсизликдан ҳимоя қилишни таъминлаш; ижтимоий ҳимояга ўта муҳтож ва иш топишда қийналаётган фуқаролар учун мавжуд иш жойларини сақлаб қолаётган ва янги иш жойларини яратаётган иш берувчиларни рағбатлантириш; иш билан таъминлаш соҳасидаги тадбирларни ишлаб чиқиш, амалга ошириш ва уларнинг бажарилишини назорат қилишда давлат иш билан бандлик хизмати органлари, касаба уюшмалари ва иш берувчиларнинг ўзаро ҳамкорлигини кучайтириш ва ҳаказо.

Қишлоқ жойларда меҳнатни диверсификациялаш, стандарт ва ностандарт иш билан бандликни таъминлаш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш келгусида қишлоқ аҳолисини меҳнатда бандлик таркиби ва даромадлар соҳасида институционал тузилмалар фаолиятларини жадаллаштириш ва улар ташкилий-ҳуқуқий базаларини ривожлантиришни талаб этади.

Шунга кўра, фикримизча, иш билан бандликка кўмаклашиш марказлари фаолиятлари қишлоқ аҳолисининг даромадларини оширишга асосланган фаол иш билан бандлик сиёсати бўйича қуйидаги тадбирларни ҳал этишга қаратилмоғи зарур:

- иш билан бандликка кўмаклашиш марказлари томонидан ноқишлоқ хўжалиги янги иш ўринларини яратиш бўйича мақсадли фаол дастурларни ишлаб чиқиш;

- меҳнат муносабатлари соҳасида иш билан бандликка кўмаклашиш марказлари билан жойлардаги маҳаллалар билан иш билан бандликни стандарт ва ностандарт шакллари ривожлантириш бўйича ўзаро ижтимоий ҳамкорликни такомиллаштириш;

- қишлоқ жойларида кичик бизнес ва хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришга иш билан бандлик жамғармаси маблағларини йўналтириш;

- қишлоқ хўжалигидан озод этилган ходимларни саноат, қурилиш, транспорт, хизмат кўрсатиш ва бошқа тармоқларга тақсимлашга аҳамият бериш;

- иш билан бандликнинг тармоқ ва профессионал таркибини такомиллаштириш, қишлоқ жойларида ишсизлик даражаси ошиб кетишининг олдини олиш;

- қишлоқ меҳнат бозори инфратузилмаси фаолиятини такомиллаштириш ва ходимларнинг касбий ҳаркатчанлигини ошириш;

- қишлоқ ёшлари ўртасида ишсизликни камайтириш бўйича фаол бандлик дастурларини ишлаб чиқиш;

- ишчи кучи тақлифини иш берувчилар талабига мувофиқлаштириш;

- қишлоқ хўжалигидан озод этилган ходимларни ишга жойлаштириш ва қайта касбий тайёргарликдан ўтиши бўйича махсус дастурларни ишлаб чиқиш;

- иш билан бандликка кўмаклашиш марказларидаги ишчи кучини касбга йўналтириш ва уларни психологик қўллаб-қувватлаш тизимини ривожлантириш;

- қишлоқ меҳнат бозорида фаол сиёсат юритиш борасидаги ривожланган мамлакатлар тажрибасидан кенг фойдаланиш.